

Ўзбекистон Республикаси номидан ҲУКМ

2020 йил сентябрь ойининг [REDACTED] кунини жиноят ишлари бўйича Китоб туман судининг ўз биносида очик суд мажлисида, раислик қилувчи – шу суднинг раиси Ғ.Остонов, халқ маслаҳатчилари Ш.Қодиров ва К.Мадиевлардан иборат таркибда, судья ёрдамчиси Ж.Тураевнинг котиблигида, тарафлардан давлат айбловчиси Китоб туман прокурорининг катта ёрдамчиси У.Жураев, судланувчи [REDACTED] ва унинг ҳимоячиси Ғ.Атауллаевнинг иштирокида, [REDACTED] га нисбатан 1-1814-2001/[REDACTED]-сонли жиноят иши кўриб чиқилди. Иш ҳужжатларига кўра:

[REDACTED] ([REDACTED]), 1969 йил [REDACTED] кунини Қашқадарё вилояти Китоб туманида туғилган, маълумоти ўрта, миллати ўзбек, Ўзбекистон фуқароси, вақтинча ишсиз, муқаддам судланмаган, оилали, уч нафар фарзанди бор, Китоб тумани “ [REDACTED] ” МФЙ [REDACTED] кишлоғида яшайди, гаров эҳтиёт чораси қўлланилган, айблов хулосаси нусхасини 2020 йил [REDACTED] кунини олган.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 270-моддасининг 1-қисми ва 25,273-моддасининг 5-қисми билан айбланган.

Суд, судланувчи ва гувоҳларнинг кўрсатувларини тинглаб, жиноят иши ҳужжатларини ўрганиб чиқиб ва ишда мавжуд бўлган далилларга баҳо бериб, қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И :

Судланувчи [REDACTED] 2019 йил апрель ойининг ўрталарида ўзи яшаб келаётган Китоб тумани “ [REDACTED] ” МФЙ [REDACTED] кишлоғида жойлашган яшаш уйининг ҳовлисида экилган бодом дарахтининг тагига 1 туп экиш ва етиштириш тақиқланган каннабис ўсимлигининг қонунга хилоф равишда экиб, ушбу каннабис ўсимлигини униб чиқишидан пишиб етилиш даврига қадар тагига ишлов бериб, парваришлаб, 2019 йил август ойининг бошларида мазкур каннабис ўсимлигидан “Марихуана” етиштириб олиб, уйда қуритиб, истеъмол қилиб келган.

Бундан ташқари, судланувчи [REDACTED] ўзининг жиноий ҳаракатларини давом эттириб, 2020 йил март ойининг бошларида 3 дона елим челақ ва 2 дона гул тувакларга 5 туп экиш ва етиштириш тақиқланган таркибида фенол группасини тутган каннабиноидлар гуруҳига кирувчи актив модда тетрагидроканнабинол мавжуд бўлган гиёҳвандлик воситасини экиб етиштириб келаётганлиги, 2020 йил [REDACTED] кунини соат 14-00 ларда Китоб туман ИИБ ХҲПБ профилактика катта инспектори [REDACTED] нинг билдиргисига асосан туман ИИБ ходимлари томонидан [REDACTED] нинг яшаш уйининг пастки қисмидаги ўтинхонаси кўздан кечирилганида, ўтинхона рўпарасида 3 дона елим челақ ва 2 дона гул тувакларга 5 туп каннабис ўсимликлари экканлиги аниқланиб, оғирлиги



157,5 грамм грамм каннабис ўсимликлари холислар иштирокида тегишли тартибда ҳужжатлаштириб олинган.

Бундан ташқари судланувчи [REDACTED] ўзининг жиноий ҳаракатларини давом эттириб, 2019 йил апрель ойининг бошларида экиб, парваришлаб келган экиш ва етиштириш тақиқланган таркибида фенол группасини тутган каннабиноидлар гуруҳига кирувчи актив модда тетрагидроканнабинол мавжуд бўлган гиёҳвандлик воситаси бор бўлган каннабис ўсимлигини шу йили август ойининг бошларида ердан суғуриб олиб, куритиб олиб, яшаш уйининг молхонасига яшириб қўйиб, келгусида ўтказиш мақсадида, оқиш рангли матога ва 10 дона “Спички” ёзувли гугурт қутиларга қадоқлаб, ўзининг эркига боғлиқ бўлмаган ҳолатда ўтказишга қаратилган жиноий ҳаракатларини охирига етказа олмасдан ўтказишга суиқасд қилганлиги, 2020 йил [REDACTED] куни соат 14-00 ларда Китоб туман ИИБ ХПБ профилактика катта инспектори [REDACTED] нинг билдиргисига асосан туман ИИБ ходимлари томонидан [REDACTED] нинг яшаш уйи молхонаси кўздан кечирилганида аниқланиб, молхонанинг ўнг томон деворида осилган оқиш рангли матога ва 10 дона “Спички” ёзув гугурт қутиларга қадоқланган кўп миқдордаги 96,3 грамм марихуана гиёҳвандлик воситаси холислар иштирокида тегишли тартибда ҳужжатлаштириб олинган.

Судланувчи [REDACTED] ушбу жиноий ҳаракатлари билан Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 270-моддасининг 1-қисми ва 25,273-моддаси 3-қисмида кўрсатилган жиноятни содир этган.

Судланувчи [REDACTED] суд мажлисида қўйилган айбга қисман иқрорлик билдириб, 2020 йил [REDACTED] куни соат 14-00 ларда яшаш уйида ўтирганида, ИИБ ходимлари келишиб, ўзларини таништиришиб, унга яшаш уйида ноқонуний ўсимлик экиб етиштириб келаётганлиги ҳақида маълумот борлигини, мазкур ҳолатни текшириб кўришлик учун яшаш уйи ва ёрдамчи хўжалик хоналарини кўздан кечиришларини айтишгани, шундан кейин ИИБ ходимлари яшаш уйини 2 нафар холислар иштирокида кўздан кечириб, ўтинхонани қаршисида 5 дона турли хил катталиқдаги гул тувакларнинг ҳар бирида турли узунликдаги яшил рангли ўткир хидли ўсимликларни ўсиб турганлигини аниқлашгани, у ИИБ ходимларига ушбу ўсимликларни ўзи 2020 йил март ойининг бошларида экиб етиштиргани ва лекин оила аъзоларини хабарлари йўқлигини айтгани, шундан кейин ИИБ ходимлари кўздан кечиришни давом эттиришиб, молхонага киришдаги деворга қоқилган миҳнинг орасига 2 дона оқ рангли елим пакетни очиб кўришганида, ушбу пакетнинг ичида қора рангли елим пакетнинг ичидан 10 дона “Спички” ёзувли гугурт қутиларга жойланган куритилган яшил рангли ўткир хидли ўсимликлар талқони борлигини аниқлашгани, иккинчи пакетни ичида оқ рангли матонинг ичида куритилган яшил рангли ўткир хидли ўсимликлар талқони ва бир дона “Спички” ёзувли гугурт қути бўлиб, ушбу гугурт қутининг ичида уруғлар борлигини аниқлашгани, шундан кейин ИИБ ходимлари мазкур олинган 5 туп ўткир хидли ўсимликларни ва иккала пакет ва уруғ солинган гугут қутиларни тегишли



тартибда хужжатлаштириб, муҳрлашгани, ушбу молхонадан топилган гиёҳвандлик воситалари ҳам унга тегишли бўлгани, кўздан кечириш жараёнида ИИБ ходимлари томонидан унга нисбатан бирор бир ноқонуний ҳаракатлар қилинмагани, у ушбу ўсимликни келгусида ўзининг истеъмол қилиш учун эккани, бировга сотиш нияти бўлмагани, ҳеч кимга сотмагани, у гиёҳвандлик воситасини эзилмаслиги учун гугурт кутиларга жойлаб қўйгани, 2019 йил апрель ойининг ўрталарида яшаш уйининг олд томонидаги ҳовлисининг чап томонидаги бодом дарахтини тагига кўкатларни уруғини сепгани, шунда кўкатларни орасидан бир туп наша ўсимлиги ўсиб чиққани, сув қўйиб тагига ишлов бергани, 2019 йил август ойининг бошларида ўсиб чиққан наша синиб қолгани, шу сабабли уни ердан суғуриб олиб, оила аъзоларига билдирмасдан қуритиб, 2 марта истеъмол қилгани, қолган қисмини 10 дона гугурт қутига жойлаб, уруғини олиб, 1 дона гугурт қутига солгани, шунингдек яна қолганини пакетга солиб, келгусида истеъмол қилиш учун молхонанинг ўнг томон деворидаги миҳга осиб қўйгани, унинг бир неча йиллардан буён соғлиги яхши эмаслигини, грижаси борлигини, қон босими кўтарилиб кетишини, бир неча йил олдин нарвондан йиқилиб тушганида, иккала қўли сингани, коворғаси чўккани, шу оғриқлар кучайганида қаттиқ сиқилиб, нашани истеъмол қилгани, ҳозирда қилмишидан пушаймонлигини билдириб, қонуний енгиллик беришни сўради.

Судланувчи [] нинг суд ҳукмида кўрсатилган жиноятни содир этганлиги, ўзининг айбига иқрорлик ва пушаймонлик билдириб берган кўрсатувидан ташқари:

-гувоҳ [] суд мажлисида, 2020 йил [] куни соат 13-50 ларда яшаш уйида ўтирганида ИИБ ходимлари келишиб, бир иш юзасидан холис сифатида иштирок этишни таклиф қилишгани, у рози бўлгани, улар яна бир [] ни ҳам холис сифатида таклиф қилишгани, шундан кейин ИИБ ходимлари улар билан биргаликда [] нинг яшаш хонадонига кириб [] нинг яшаш хонадонини кўздан кечиришни бошлашгани, [] нинг яшаш уйи ҳовлисидаги ўтинхонани қаршисида 5 дона турли хил катталиқдаги гул тувакларнинг ҳар бирида турли узунликдаги яшил рангли ўткир ҳидли ўсимликларни ўсиб турганлигини аниқлашгани, [] ушбу ўсимликларни ўзи 2020 йил март ойининг бошларида ўзи экиб етиштирганлигини билдиргани, ИИБ ходимлари билан биргаликда молхонага киришганида, ИИБ ходимлари ушбу молхонага киришдаги деворнинг ўртарағига қоқилган миҳнинг орасини кўришганида, ушбу миҳнинг орасига 2 та оқ рангли елим пакет борлигини аниқлашгани, биринчи елим пакет очиб кўрилганида, ушбу пакетнинг ичида қора рангли елим пакет борлигини аниқлашгани ва ушбу пакет очиб кўрилганида, ичида 10 дона “Спички” ёзувли гугурт кутиларга жойланган қуритилган яшил рангли ўткир ҳидли ўсимликлар борлиги аниқлангани, иккинчи пакет очиб кўрилганида, ушбу пакетни ичида оқ рангли бўз мато бўлиб, ушбу матонинг ичида қуритилган яшил рангли ўткир ҳидли ўсимликлар ва бир дона “Спички” ёзувли гугурт қути



бўлиб, ушбу гугурт қутининг ичида уруғлар борлиги аниқлангани, ИИБ ходимлари 5 туп ўткир ҳидли ўсимликларни, иккала пакетлар ва уруғ солинган гугурт қутиларни тегишли тартибда расмийлаштириб, муҳрлангани тўғрисида кўрсатуви;

-гувоҳ [] суд мажлисида, [] турмуш ўртоғи бўлишини, 2020 йил [] куни соат 14-00 ларда уйда ўтирганида, ИИБ ходимлари келишиб, турмуш ўртоғига яшаш уйини кўздан кечиришларини, уйда ноқонуний нарсалар бўлса, уларни ИИБ ходимларига тақдим қилишини айтишгани, шундан кейин ИИБ ходимлари 2 нафар холислар [] ва [] лар иштирокида яшаш уйини кўздан кечиришни бошлашгани, кўздан кечириш жараёнида, ўтинхонани қаршисида 5 дона турли хил катталиқдаги гул тувакларнинг ҳар бирида турли узунлиқдаги яшил рангли ўткир ҳидли ўсимликларни ўсиб турганлигини аниқлашгани, турмуш ўртоғи ушбу ўсимликларни ўзи 2020 йил март ойининг бошларида экиб етиштирганини айтгани, шундан кейин ИИБ ходимлари ва холислар молхонага киришдаги деворга қоқилган миҳнинг орасига 2 та оқ рангли елим пакетларни ичида гугурт қутиларга жойланган қуритилган ва матога ўралган яшил рангли ўткир ҳидли ўсимликлар талқони борлигини аниқлашгани, шундан кейин ИИБ ходимлари 5 туп ўткир ҳидли ўсимликлар, иккала пакетлар ва уруғ солинган гугурт қутиси тегишли тартибда расмийлаштирилиб, муҳрлангани, кўздан кечириш жараёнида ИИБ ходимлари томонидан бирор бир ноқонуний ҳаракатлар бўлмагани, уларидан олинган нарсалар гиёҳвандлик воситалари эканлигини тергов даврида билгани, турмуш ўртоғи гиёҳвандлик воситаларини сотиш билан шуғулланмаганлиги тўғрисида кўрсатуви;

-гувоҳ [] суд мажлисида, у Китоб туман ИИБ ЖҚБ тезкор вакили вазифасида ишлаб келишини, 2020 йил [] куни туман ИИБ бошлиғи номига ёзилган билдиргига асосан, Китоб туман “ [] ” МФЙ [] қишлоғида яшовчи [] нинг яшаш уйда ноқонуний равишда гиёҳвандлик воситалари экиб етиштираётганлиги кўрсатилганлиги юзасидан тергов-тезкор гуруҳи билан биргалиқда, [] нинг яшаш уйига шу куни соат 13-50 ларда боришгани, [] ва [] ларни холис сифатида таклиф қилишгани, улар рози бўлишгани, улар холислар билан биргалиқда [] нинг яшаш хонадонини кўздан кечириш жараёнида ўтинхона қаршисида 5 дона турли хил катталиқдаги гул тувакларнинг ҳар бирида турли узунлиқдаги яшил рангли ўткир ҳидли ўсимликларни ўсиб турганлигини аниқлашгани, [] ушбу ўсимликларни ўзи 2020 йил март ойининг бошларида экиб етиштирганлигини билдиргани, улар кўздан кечиришни давом эттириб, молхонага кирганларида, ушбу молхонага киришдаги деворга қоқилган миҳда 2 та оқ рангли елим пакет борлигини аниқлашгани, биринчи елим пакет очиб кўрилганида, ушбу пакетнинг ичида қора рангли елим пакет борлиги аниқлангани ва ушбу пакет очиб кўрилганида, ичида 10 дона “Спички” ёзувли гугурт қутиларга жойланган қуритилган яшил рангли



ўткир ҳидли ўсимликлар борлиги аниқлангани, иккинчи пакет очиб кўрилганида, ушбу пакетни ичида оқ рангли бўз мато бўлиб, ушбу матонинг ичида қуритилган яшил рангли ўткир ҳидли ўсимликлар ва бир дона “Спички” ёзувли гугурт қути бўлиб, ушбу гугурт қутининг ичида уруғлар борлиги аниқлангани ва ушбу аниқланган гиёҳвандлик воситалари тегишли тартибда расмийлаштирилиб, муҳрлангани тўғрисида кўрсатуви;

-гувоҳ [REDACTED] суд мажлисида, у Китоб туман ИИБ ХПБ ИИО ТБ профилактика инспектори вазифасида ишлаб келишини, Китоб тумани худудида “Қорадори-2020” тадбирида тушган тезкор маълумотга асосан, Китоб тумани “ [REDACTED] ” МФЙ [REDACTED] кишлоғида яшовчи [REDACTED] нинг яшаш уйида ноқонуний равишда гиёҳвандлик воситалари экиб етиштираётганлиги маълум бўлгани, мазкур ҳолатни текшириб кўриш учун 2020 йил [REDACTED] куни туман ИИБ бошлиғи номига билдирги билан мурожаат қилгани ва тергов-тезкор гуруҳи билан биргаликда, [REDACTED] нинг яшаш уйига шу куни соат 13-50 ларда боришгани, [REDACTED] ва [REDACTED] ларни холис сифатида таклиф қилишгани, улар рози бўлишгани, улар холислар билан биргаликда [REDACTED] нинг яшаш хонадонини кўздан кечириш жараёнида ўтинхонани қаршисида 5 дона турли хил катталикдаги гул тувакларнинг ҳар бирида турли узунликдаги яшил рангли ўткир ҳидли ўсимликларни ўсиб турганлигини аниқлашгани, [REDACTED] ушбу ўсимликларни ўзи 2020 йил март ойининг бошларида экиб етиштирганлигини билдиргани, улар кўздан кечиришни давом эттириб, молхонага кирганларида, ушбу молхонага киришдаги деворга қоқилган миҳда 2 та оқ рангли елим пакет борлигини аниқлашгани, биринчи елим пакет очиб кўрилганида, ушбу пакетнинг ичида қора рангли елим пакет борлиги аниқлангани ва ушбу пакет очиб кўрилганида, ичида 10 дона “Спички” ёзувли гугурт қутиларга жойланган қуритилган яшил рангли ўткир ҳидли ўсимликлар борлиги аниқлангани, иккинчи пакет очиб кўрилганида, ушбу пакетни ичида оқ рангли бўз мато бўлиб, ушбу матонинг ичида қуритилган яшил рангли ўткир ҳидли ўсимликлар ва бир дона “Спички” ёзувли гугурт қути бўлиб, ушбу гугурт қутининг ичида уруғлар борлиги аниқлангани ва ушбу аниқланган гиёҳвандлик воситалари тегишли тартибда расмийлаштирилиб, муҳрлангани тўғрисида кўрсатуви;

-гувоҳ [REDACTED] суд мажлисида, у Китоб тумани “ [REDACTED] ” МФЙ раиси вазифасида ишлаб келишини, [REDACTED] ушбу маҳаллада яшаб келишини, [REDACTED] нинг яшаш уйи маҳалла биносидан кўп узоқ эмаслигини, [REDACTED] нинг оиласи маҳаллада меҳнаткаш оилалардан ҳисобланишини, [REDACTED] мардикорлик қилиб рўзғорини тебратишини, [REDACTED] илгари гиёҳвандлик воситаларини экканлиги ёки сотиш билан шуғулланганлиги тўғрисида маълумотлар бўлмагани, унинг уйига нотаниш шахслар келмагани, агарда нотаниш шахслар келганида хабардор бўлишларини, маҳалладаги ишларга фаол иштирок этишини, [REDACTED] моддий ёрдам сўраб маҳаллага мурожаат қилмагани тўғрисида кўрсатуви;

-бундан ташқари, судланувчи [REDACTED] нинг айби:



-билдирги, ходиса содир бўлган жойни кўздан кечириш баённомаси, чизма, кўздан кечириш жараёни видео тасвири туширилган бир дона диск, фотосуратлар (и.в. ■■■■);

-Шаҳрисабз шаҳар ИИБ эксперт-криминалистика гуруҳининг 2020 йил ■■■■даги ■■■■дан тегишли тартибда ҳужжатлаштириб олинган бир дона оқиш рангли матога ўралган ва 10 дона “СПИЧКИ” ёзувли гугурт қутиларга жойланган яшил рангли, ўткир ҳидли, қўл билан ушлаб кўрилганда, қуруқ ҳолатда, ўсимлик моддалари таркибида фенол группасини тутган каннабиноидлар гуруҳига кирувчи актив модда тетрагидроканнабинол мавжуд бўлиб, булар “МАРИХУАНА” гиёҳванд моддалар таркибига киришлиги, жами соф оғирлиги 96,3 грамм эканлиги, тегишли тартибда олинган бир дона “СПИЧКИ” ёзувли гугурт қутига жойланган тухумсимон, қисман пачоқланган шаклдаги ўсимлик уруғлари каннабис ўсимлиги уруғлари бўлиб, таркибида актив компонент тетрагидроканнабинол аниқланмаганлиги учун гиёҳванд моддалар таркибига кирмаслиги ҳақидаги №61-сонли хулосаси, далолатнома (и.в. ■■■■);

-Қашқадарё вилоят наркология диспансерининг 2020 йил ■■■■даги № ■■■■ хулосаси (и.в. ■■■■);

-Шаҳрисабз шаҳар ИИБ эксперт-криминалистика гуруҳининг 2020 йил ■■■■даги ■■■■нинг яшаш уйидан ҳужжатлаштириб олинган бўйи 50 см.дан 95 см.гача бўлган, яшил рангли, ўзига хос ўткир ҳидли, ҳаммаси илдизли, поялари туклар билан қопланган, панжа шаклида жойлашган, барглари қуриган, поялари қалинлиги, 7,0 мм.дан 12,0 мм.гача бўлган 5 туп қуритилган ўсимликлар Шаҳрисабз шаҳар ИИБ ЭКГ экспертнинг 2020 йил ■■■■даги № ■■■■-сонли хулосасига кўра, таркибида фенол группасини тутган каннабиноидлар гуруҳига кирувчи актив модда тетрагидроканнабинол мавжуд бўлиб, булар “КАННАБИС” ўсимлиги эканлиги, 5 туп каннабис ўсимликларининг қуритилган ҳолдаги ҳозирги кундаги соф оғирлиги 157,5 грамм эканлиги ҳақидаги № ■■■■-сонли хулосаси, далолатнома (и.в. ■■■■);

-гумон қилинувчининг кўрсатувларини ходиса содир бўлган жойида текшириш тўғрисидаги баённома, ходиса содир бўлган жойида текшириш тергов ҳаракати видео тасвири туширилган бир дона диск ва фотосуратлар (и.в. ■■■■);

-тинтув ўтказиш ҳақидаги баённома, тинтув тергов ҳаракати видео тасвири туширилган бир дона диск ва фотосуратлар (и.в. ■■■■);

-нарсани ашёвий далил деб эътироф этиш қарори (и.в. ■■■■) ҳамда жинойат ишида тўпланган бошқа далиллар билан ўз исботини топди.

Суд, тергов органи томонидан ■■■■нинг таркибида гиёҳванд модда бўлган тақиқланган экинларни қонунга хилоф равишда экиб, етиштиришдан иборат жинойат ҳаракати Ўзбекистон Республикаси ЖК 270-моддасининг 1-қисми билан тўғри квалификация қилган бўлса-да, бироқ, ЖК 25,273-моддасининг 5-қисми билан нотўғри квалификация қилинган деб ҳисоблайди.



Ўзбекистон Республикаси ЖК 25,273-моддасининг 5-қисмида, гиёҳвандлик воситалари, уларнинг аналоглари ёки психотроп моддаларни кўп миқдорда қонунга хилоф равишда сотишга суиқасд қилганлик учун жавобгарлик белгиланган.

Иш ҳужжатларига кўра, тадбир 2020 йил [] кунини ўтказилган бўлиб, []нинг яшаш уйини холислар иштирокида тинтув қилинган. Тинтув давомида, 3 дона елим челақ ва 2 дона гул тувакларга 5 туп каннабис ўсимликлари экканлиги, бундан ташқари яшаш уйининг молхонасида оқиш рангли матога ва 10 дона “Спички” ёзув гугурт кутиларга қадокланган кўп миқдордаги 96,3 грамм марихуана гиёҳвандлик воситаси борлиги аниқланиб, ҳужжатлаштириб олинган.

Дастлабки тергов органи томонидан []нинг кўп миқдордаги гиёҳвандлик воситасини сотишга суиқасд қилганликдаги айбини исботловчи далил сифатида унинг дастлабки терговдаги гумон қилинувчи ва айбланувчи тариқасидаги дастлабки сўроғи, унинг гиёҳвандлик хасталигига чалинмаганлиги, мажбурий даволанишга муҳтож эмаслиги ҳақидаги вилоят наркология экспертизасининг хулосаси асос қилиб олинган бўлса-да, ЖПКнинг 112-моддасига мувофиқ унинг айби бошқа далиллар мажмуи билан исботлаб берилмаган.

Ишда, назорат тартибида гиёҳвандлик воситасини харид қилиш тадбири ўтказилгани, тадбирда фойдаланиш учун пул берилган ва олинганлиги ҳақидаги ҳужжатлар мавжуд эмас.

Судланувчи [] ушбу ҳолат бўйича ўз ихтиёри билан ёзиб берган тушунтириш хатида, гиёҳвандлик воситасини 2019 йил экиб етиштирганлиги, ўзи истеъмол қилиши учун сақлаб келганлигини баён қилган бўлиб, сотиш мақсади бўлганлиги ҳақида маълум қилмаган.

Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 23-моддасида, айбдорликка оид барча шубҳалар, башарти уларни бартараф этиш имкониятлари тугаган бўлса, гумон қилинувчи, айбланувчи ёки судланувчининг фойдасига ҳал қилиниши лозимлиги, қонун қўлланилаётганда келиб чиқадиган шубҳалар ҳам гумон қилинувчининг, айбланувчининг, судланувчининг фойдасига ҳал қилиниши кераклиги;

463-моддасида, айблов ҳукми тахминларга асосланган бўлиш мумкин эмас ва фақат судланувчининг жиноят содир этишда айбли эканлиги суд муҳокамаси давомида исбот қилинган тақдирдагина чиқарилиши, айблов ҳукмига жиноят содир этилишининг иш бўйича барча мумкин бўлган ҳолатларини текшириш, иш материалларида маълум бўлиб қолган барча кам-кўстни тўлдириш, юзага келган ҳамма шубҳа ва қарама-қаршилиқларга барҳам бериш натижасида йиғилган ишончли далилларгина асос қилиб олинishi кўрсатилган.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2017 йил 28 апрелдаги “Гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддалар билан қонунга хилоф равишда муомала қилишга оид жиноят ишлари бўйича суд амалиёти тўғрисида”ги 12-сонли қарорининг 21-бандида, гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддаларни сотиш усулида кўп миқдорда ўтказиш



уларни ўтказишнинг энг ижтимоий хавфли кўриниши ҳисобланиши туфайли, мазкур қилмиш ЖК 273-моддасининг бешинчи қисми билан квалификация қилиниши лозим. Мазкур восита ёки моддаларни кўп миқдорда бошқа барча усулларда ўтказиш ЖК 273-моддасининг бошқа тегишли қисми билан жавобгарлик келиб чиқишига сабаб бўлиши ҳақида тушунтириш берилган.

Қонун мазмунига кўра, сотиш – кўп миқдордаги гиёҳвандлик воситаларини қонунга хилоф равишда реализация қилинган ҳолларда вужудга келади ва ашёвий далил гиёҳвандлик воситасининг айнан сотиш усулида ўтказилганлигини тасдиқловчи асосий элемент ҳисобланади.

Бироқ, мазкур иш бўйича []нинг кўп миқдордаги гиёҳвандлик воситасини айнан сотишга суиқасд қилганлигини тасдиқловчи ашёвий далил мавжуд эмас, келгусида ҳам бу каби инкор қилиб бўлмас далилларни тўплаш имкони йўқ. []нинг Ўзбекистон Республикаси ЖК 25,273-моддасининг 5-қисмида назарда тутилган жинойтни қасддан содир қилганликдаги айблов шубҳа, фараз ва тахминларга асосланган.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 9-моддасига мувофиқ, шахс қонунда белгиланган тартибда айби исботланган ижтимоий хавфли қилмиш учунгина жавобгар бўлади.

Судланувчи [], хонадонида сақлаб келган гиёҳвандлик моддасини келгусида сотиш мақсадини кўзлаганлиги тўғрисида жинойт ишида бирор бир ишончга сазовор далил мавжуд эмас, судланувчи [] дастлабки терговда ҳам суд тергови давомида ҳам ушбу сақлаб келган гиёҳвандлик моддасини сотиш мақсади бўлмаганлигини билдирган, уни сотиш мақсадини кўзлаганлигини тасдиқловчи ҳужжатлар мавжуд эмас.

Бундай ҳолда, судланувчи []ни сотиш мақсадини кўзлаб гиёҳвандлик моддасини сақлаб келган деб бўлмайди.

Шу боис суд судланувчи []нинг айбини Ўзбекистон Республикаси ЖК 25,273-моддасининг 5-қисмидан, ЖК 25,273-моддасининг 3-қисмига қайта квалификация қилишни лозим топди.

Суд, судланувчи []га жазо тури ва миқдорини тайинлашда, унинг шахсини, ҳаракатларининг ижтимоий хавфлилиқ даражасини ва содир этилган жинойтнинг характерини, айбига иқрор ва қилмишидан пушаймонлигини жазони енгиллаштирувчи ҳолатлар деб топиб, жазони оғирлаштирувчи ҳолатлар мавжуд эмас деб ҳисоблаб, унга Ўзбекистон Республикаси ЖК 270-моддасининг 1-қисми билан қонун санкцияси доирасида озодликни чеклаш жазосини тайинлашни, 25,273-моддасининг 3-қисми билан ЖКнинг 57-моддасини қўллаб, қонунда назарда тутилмаган озодликни чеклаш жазосини тайинлашни ЖКнинг 59-моддаси тартибида бир турдаги жазоларни қисман қўшиш йўли билан озодликни чеклаш жазоси тайинлашни, унга бир қанча чекловлар ўрнатишни, жазони ижросини назорат қилишни Китоб туман ички ишлар бўлими мутасаддилари зиммасига юклатишни ва жазо муддатини ҳисобга қўйилган кундан бошлаб ҳисоблашни, []га нисбатан қўлланилган



гаров эҳтиёт чорасини бекор қилишни ва гаровга қўйилган 10.000.000 сўм пулларни судланувчи [REDACTED] га қайтаришни;

Ашёвий далиллар:

-ДХХ Қашқадарё вилоят бошқармаси ашёвий далиллар сақлаш хонасида сақланаётган [REDACTED] дан ҳужжатлаштириб олинган 157,5 грамм каннабис ўсимлиги, 96,3 грамм “марихуана” гиёҳвандлик воситаси, 0,8 грамм каннабис ўсимлиги уруғларини йўқ қилишни;

-Китоб туман ИИБ ашёвий далилларни сақлаш хонасида сақланаётган 3 дона пақир ва 2 дона гул тувакларни йўқ қилишни лозим топди.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 454-457, 460, 463, 465-468, 471, 473-моддаларига амал қилиб, суд

Ҳ У К М Қ И Л Д И:

[REDACTED] ([REDACTED]) Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 270-моддасининг 1-қисми ва 25,273-моддасининг 3-қисмида назарда тутилган жиноятни содир этганликда айбли деб топилсин.

[REDACTED] га Ўзбекистон Республикаси ЖК 270-моддасининг 1-қисми билан 1 (бир) йил муддатга озодликни чеклаш жазоси тайинлансин.

Унга Ўзбекистон Республикаси ЖК 25,273-моддасининг 3-қисми билан ЖК 57-моддаси қўллаб 4 (тўрт) йил муддатга озодликни чеклаш жазоси тайинлансин.

Ўзбекистон Республикаси ЖК 59-моддаси тартибида тайинланган жазоларни қисман қўшиш йўли билан жиноятлар мажмуи бўйича 4 (тўрт) йил 6 (олти) ой муддатга озодликни чеклаш жазоси тайинлансин.

Унга қуйидаги чекловлар юклатилсин:

-сутканинг кеч соат 20⁰⁰дан эрталаб соат 06⁰⁰га қадар яшаш жойидан чиқмаслик;

-муайян жойларга, яъни клуб, дискотека ва барларга бормаслик ҳамда оммавий тадбирларда иштирок этмаслик;

-алкоголли ичимликлар истеъмол қилмаслик;

-назорат қилувчи органнинг розилигисиз яшаш ёки иш жойини ўзгартирмаслик;

-агарда яшаш ёки иш жойи ўзгариб қолса, бу ҳақда назорат қилувчи органни хабардор қилиш.

Жазони ижро этиш Китоб туман ИИБ зиммасига юклатилсин ва жазо муддати ҳисобга қўйилган кундан бошлаб ҳисоблансин.

[REDACTED] га нисбатан қўлланилган гаров эҳтиёт чораси бекор қилинсин ва гаровга қўйилган 10.000.000 сўм пуллар судланувчи [REDACTED] га қайтарилсин.

Ашёвий далиллар:



-ДХХ Қашқадарё вилоят бошқармаси ашёвий далиллар сақлаш хонасида сақланаётган [REDACTED] дан ҳужжатлаштириб олинган 157,5 грамм каннабис ўсимлиги, 96,3 грамм “марихуана” гиёҳвандлик воситаси, 0,8 грамм каннабис ўсимлиги уруғлари йўқ қилинсин.

-Китоб туман ИИБ ашёвий далилларни сақлаш хонасида сақланаётган 3 дона пақир ва 2 дона гул туваклар йўқ қилинсин.

Ушбу ҳукмдан норози томонлар, ҳукм эълон қилинган кундан, маҳкум, жабрланувчи ва фуқаровий даъвогар ҳукм нусхаси топширилган кундан эътиборан шу суд орқали жиноят ишлари бўйича Қашқадарё вилоят судига ўн кунлик муддат ичида апелляция тартибида ёки ҳукм қонуний кучга киргач кассация тартибида шикоят қилишга, прокурор протест келтиришга ҳақлидирлар.

Раислик қилувчи	(имзо)	Ғ.Остонов
Халқ маслаҳатчилари	(имзо)	Ш.Қодиров
	(имзо)	К.Мадиев

Аслига тўғри:

